

Закотнинг тўғри бўлиши шартлари



15:18 / 26.03.2025 1679

1. Ният.
2. Ҳақдорга мулк қилиб берилиши.

1. Ният.

Закотни адо этиш вақтида ёки уни ажратиш вақтида ният қилиш шартдир. Молнинг ҳаммасини садақа қилиб юборса, ният қилиш шарт эмас.

Закотнинг тўғри бўлиб, ўрнига ўтиши учун энг муҳим шарт закот беришни ният қилишдир. Чунки Исломда ҳеч бир ибодат ниятсиз бўлмайди. Мисол учун, рўза тутиш учун ҳам ният қилиш керак. Токи тутган рўзаси фарз, назр ёки нафл рўза экани билиниши лозим. Шунингдек, намознинг ҳам фарз, вожиб, суннат ёки нафл экани ниятга кўра бўлади. Садақа кўринишидаги молиявий ибодатнинг ҳам тури кўп. Молни бировга закот

1. Муслмон бўлиш.
2. Балоғатга етган бўлиш.
3. Оқил бўлиш.
4. Ҳур бўлиш.

Закот фарз бўлиши учун молда бўлиши лозим шартлар:

1. Нисобга етган бўлиши.
2. Тўлиқ мулк бўлиши.
3. Феълан ёки тақдиран ўсувчи мол бўлиши.
4. Ҳожати аслиядан ортиқча бўлиши.
5. Қарздан холи бўлиши.
6. Бир йил тўлган бўлиши.

«Мўминнинг нажоти» - муфассал закот китобидан